

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАМАЗАНОВА НИГОРА АСРОРОВА

**ОСТЕОАРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА МЕТАБОЛИК ВА
ИММУНОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рамазанова Нигора Асроровна

Остеоартритли беморларда метаболик ва иммунологик
бузилишларнинг клиник хусусиятлари..... 3

Рамазанова Нигора Асроровна

Клинические особенности метаболических и иммунологических
нарушений у больных остеоартритом..... 21

Ramazanova Nigora Asrorovna

Clinical characteristics of metabolic and immunological disorders in
patients with osteoarthritis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАМАЗАНОВА НИГОРА АСРОРОВА

**ОСТЕОАРТРИТЛИ БЕМОРЛАРДА МЕТАБОЛИК ВА
ИММУНОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1154 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мирахмедова Хилола Тухтасиновна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Хамраев Аброр Асрарович тиббиёт фанлари доктори, профессор Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Остеоартрит (ОА) – кўп омилли гетероген касаллик бўлиб, кенг тарқалганлиги, ривожланиб боровчи характерда кечиши, харакатнинг чекланиши, эрта ногиронликка олиб келиши ва беморларнинг хаёт сифатини пасайиши сабабли нафақат тиббий, балки муҳим ижтимоий муаммолардан бирига айланган. Кейинги йилларда аҳолининг умр кўриш давомийлиги ва семизлик сонининг ортиши сабабли ОА билан касалланиш даражаси ортмоқда. Мазкур касаллик умумий популяцияда 12-14% тарқалган¹. Ҳозирги кунга келиб ОА этиологиясида кўплаб мустақил хавф омиллари аниқланган. Бу эса ОА билан касалланган беморларнинг фенотипик фарқланишини кўрсатади. Семизлик ҳозирги замоннинг янги сурункали "эпидемияси" сифатида тан олинган ва у ОАнинг асосий хавф омилли хисобланади. Ёғ тўқимаси фаол эндокрин аъзо бўлиб, унда хондроцитлар, липидлар ва бошқа унинг метаболизмида иштирок этувчи биологик фаол молекулалар ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар (адипокинлар, интерлейкинлар ва бошқалар) синтезланади. Ёғ тўқималарининг ортикча миқдори тоғайлар деградациясига, бўғимларда яллиғланиш жараёнларига ва касаллик ривожланишига олиб келиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунинг учун ОА ривожланиши ва клиник кечишида метаболик ва иммунологик омилларни ўрганиш асосида, касаллик авж олишини олдини олиш зарурлиги тиббиётнинг долзарб муаммоси хисобланади.

Жаҳонда ОА патогенези, эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларга ОАнинг келиб чиқиш сабаблари, касаллик кечишига таъсир қилувчи метаболик бузилишлар, биомаркерлар ўрни, ОАнинг клиник фенотипларини фарқлаш, ташхислашда лаборатор ва инструментал усулларнинг аҳамияти, ОА кечишини адипоцитокинлар билан боғлиқлигини асослашдан иборат. ОАда рентгенография, МРТ, денситометрия текширувнинг характерли параметрларини ОА клиник манзарасини ривожланишида метаболик синдромнинг ўрнини баҳолаш, амалга оширилган тадқиқотлар асосида ОАни эрта ташхислаш, авж олишини олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда давлатимиз тиббиёт ходимлари олдида «...аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, профилактика, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш...»² га қаратилган муҳим вазифаларни қўйди. Бунда касалликларни эрта

¹Aiyong Cui et al., 2020. Global, regional prevalence, incidence and risk factors of knee osteoarthritis in population-based studies EClinicalMedicine

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

аниқлаш ва сифатли ташхис қўйиш, асоратларни олдини олиш муҳим аҳамиятни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифаларни, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ва ушбу фаолиятга тегишли бошқа меърий- ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Семизлик ва беморларнинг ёши ОАнинг асосий хавф омиллари ҳисобланади ва аҳолининг қариши ва семизлик эпидемияси мавжудлиги сабабли унинг тарқалиши келажакда ўсиб боради (Ewa M. Roos et al., 2016). Қон зардобидаги ИЛ-6 ва ТНФ- α миқдорида боғлиқ бўлган паст даражадаги яллиғланиш ОА патогенези ва симптоматикасида муҳим аҳамиятга эга (S. Kluzek et al., 2016; Варонько И.А., 2018; Лахин Д. И. 2013; Насонов Е.Л., 2021). ОА ни эрта ташхислаш муаммоси ўта долзарб ва мураккаб вазифадир (L. Zhongyang et al., 2021; Бадочкин В.В., 2013). Америка ревматологлар ассоциацияси (ACR) томонидан ОА таснифи таклиф қилинган ва у асосий ҳисобланади, лекин у касалликнинг кечки босқичларидаги белгиларини намоён қилади (Altman P., ва бошқ., 1991). Бугунги кунга ОАнинг эрта диагностик мезонлари ишлаб чиқилмоқда (Luyten F.P. et al., 2018). Кўпчилик муаллифлар томонидан ОАнинг кечиш хусусиятлари ўрганилган (Bastick A.N. et al., 2016; de Koning E.J., 2018; D. Schiphof et al., 2019). Касаллик авж олиши ва ривожланишига МСнинг таъсири борлиги ҳақида далиллар мавжуд ва ушбу ҳолатларда ОА юзага келиши хавфи 2 баробарга юқорилиги аниқланган (Benjamin Raud et al., 2020; Qizhao Tan, Ai Jiang, et al. 2021; Алексеева Л.И. и др., 2019; Воронкова Н. Б., 2005; Горбунова Д. Ю., 2018; Курылева К. В., 2004; Таскина Е.А. и др., 2018;). Унда МСнинг ҳар бир кўрсаткичи иштирок этиши мумкин бўлган омилнинг механизмлари ўрганилмоқда (Qizhao Tan, Ai Jiang, et al. 2021; Kenneth Lo, Manting Au et al., 2022).

Адипоцитокинларни ОА биомаркёрлари сифатида аниқлаш долзарб ҳисобланиб, касалликни эрта ташхислаш, унинг клиник кечишини башоратлаш ва индивидуал даражада даволаш самарадорлигини кузатиш имконини беради (Mobasher A. et al., 2017). Адипоцитокинлар ОАнинг эрта босқичини, касаллик клиник белгилари пайдо бўлгунга қадар аниқлаш имконини беради (Abella V. et al., 2017; Hoff P. et al., 2013; Acquarone E. et al., 2019; Головач И.Ю., 2015). Тизза бўғимлари ОАни ўрганишдаги ютуқлардан бири, бу патогенези ва клиник

кўринишлари билан фарқланадиган ОАни фенотипларга ажратиш зарурлигидир (Dell'Isola and Steultjens, 2018; Y. Henrotin 2022; Лила А.М., 2019).

Ўзбекистонда ҳам бир қатор олимлар ОАни ташхислаш ва даволаш бўйича илмий изланишлар олиб борганлар (Ажикулов Р. Н., 2016; Махмудова М. С., 2007; Таиров Э.С., 2012). Бундан ташқари ОАни остеопороз билан биргаликда кечиши бўйича илмий тадқиқотлар мавжуд (Абдуллаев А. Н., Бобаев Н. М., 2019; Камалова Н. А., 2012; Рустамова У. М., 2016).

Европа антиревматик лигаси (EULAR) ОАни ўрганишда тадқиқотларнинг куйидаги тўртта устувор йўналишини белгилаб берган: эпидемиология, патогенезидаги биомаркёрлар, визуализация ва даволашдан иборат (Peter M. et al., 2020). Бугунги кунда эрта ташхис қўйиш ва ОАнинг метаболик синдром билан кечишида яллиғланиш биомаркёрлари ва яллиғланишолди цитокинларининг аҳамияти кам ўрганилган бўлиб қолмоқда. Шунингдек МСда ОАнинг диагностикаси ва давоси алоҳида эътиборга лойиқ. МС билан кечувчи ОАнинг клиник ва иммунологик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ва касаллик фенотипларини аниқлаш бўйича мавжуд адабиётларда ҳозирги маълумотлар етарли даражада ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-ишлари режасига мувофиқ №011800229 "Ички аъзолар касалликларини ташхислаш ва юқори самарали даволашнинг янги усулларини излаш. Касалликларни олдини олишнинг оқилона йўллари." (2018-2022йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади остеоартрит билан касалланган беморларда метаболик, клиник ва иммунологик бузилишларнинг хусусиятлари ва ўзаро боғлиқлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазибалари:

остеоартрит клиник кечишига метаболик синдромнинг таъсирини ўрганиш;
остеоартритни ташхислаш ва клиник кечишида биомаркёрларнинг (адипонектин, лептин) аҳамиятини баҳолаш;

остеоартрит патогенезида яллиғланишолди цитокинларининг (интерлейкин-1 β , интерлейкин-6) ўрнини аниқлаш;

остеоартрит билан касалланган беморларнинг клиник фенотипларини ажратиш;

остеоартрит билан оғриган беморларда метаболик, клиник ва иммунологик бузилишларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология ва Республика ревматология маркази артрологик ИАДК, ички касалликлар реабилитация бўлимларида стационар ва амбулатор шароитида даволанган, 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган остеоартрит билан касалланган 166 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон зардоби, биокимёвий ва иммунологик лабаратор текшириш натижалари, бўғимларнинг рентгенографияси, магнит-резонанс томография (МРТ) ва денситометрия маълумотлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш учун клиник, функционал (ВАН, WOMAC, НАQ, РНQ-9), лаборатор, биокимёвий, иммунологик (адипонектин, лептин, ИЛ-1 β , ИЛ-6), инструментал (рентгенологик, МРТ, денситометрик) ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

остеоартрит билан касалланган беморларда адипонектин даражасининг пасайиши, яллиғланиш маркёрлари (интерлейкин-1 β и интерлейкин-6) синтезининг ортиши билан боғлиқлиги аниқланган;

метаболик синдром негизда остеоартрит билан касалланган беморларда лептин концентрациясининг ортиши, яллиғланишолди цитокинлари миқдорининг (интерлейкин-1 β и интерлейкин-6) кескин ошиши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

адипонектин миқдорининг камайганлиги ва лептин концентрациясининг ортиши, шу билан биргаликда яллиғланиш олди цитокинларининг кўпайиши касаллик ривожланишининг жадаллашувига, бўғимларнинг функционал етишмовчилигига олиб келиши асосланган;

клиник, лаборатор, иммунологик ва инструментал кўрсаткичларга кўра, остеоартрит турли клиник фенотипларининг касаллик кечиши, даволаш ва башоратлашга таъсири асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

остеоартрит билан касалланган беморлардаги метаболик синдромни ташхислашда ёғ тўқималарининг ҳажми ва массасининг аҳамияти асосланган;

метаболик синдром фонида остеоартритнинг оғир кечишини баҳолашда яллиғланиш биомаркерлари (адипонектин, лептин) билан бир қаторда яллиғланишолди (ИЛ-1 β и ИЛ-6) цитокинлари аҳамияти баҳоланган;

остеоартрит билан касалланган беморларда касалликни эрта ташхислаш, структур ўзгаришларини баҳолашда МРТ текширувининг рентгенологик текширувидан афвзаллиги асосланган;

остеоартритни ташхислаш ва патогенетик асосланган даволашни танлаш учун унинг фенотипларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиш тавсия этилган;

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларининг қўлланилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, инструментал ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотларга замонавий компьютер технологиялар ёрдамида ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва ҳорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОА билан оғриган беморларда метаболик синдромни ўрганиш жинсга, вазнга, ёғ, липид, углевод алмашинувининг

бузилишига мос равишда кўрсаткичларни учраши тез-тезлигидаги муайян қонуниятни аниқлаши имконини берди. ОА билан касалланган беморларда лептин, цитокинларнинг кўпайиши ва адипонектиннинг камайиши МС клиник кўринишларининг оғир кечиши ва касалликнинг зўрайиши билан боғлиқ. Олинган натижалар ташхислашни янги усуллари ва индивидуал даволанишни шакллантириш билан изоҳланган.

Ишнинг амалий аҳамияти МСнинг ОА патогенези ва кечишига таъсири ҳамда клиник кўринишлари бўйича МСнинг аҳамияти, касалликни эрта ташхислашга комплекс ёндашув аниқланган. Бўғимларнинг МРТ ОА билан касалланган беморларни диагностика алгоритмига эрта ташхис қўйиш ва фаоллик даражасини аниқлаш, шу каби клиник ва рентгенологик ўхшаш белгиларга эга артритлар билан қиёсий ташхислаш усули сифатида киритиш учун таклиф этилади. ОА этиопатогенезининг хусусиятларини билиш умумий амалиёт шифокорлари, терапевтлар, ревматологларга даволаш тамойилларини аниқлашга ва касалликнинг олдини олишни яхшилашга имкон бериши билан изоҳланган. Остеоартритнинг клиник фенотипларига кўра ташхислаш ва даволаш механизми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Остеоартритли беморларда метаболик ва иммунологик бузилишларнинг клиник хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

остеоартритнинг клиник фенотиплари ва даволашга ёндашув натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тизза бўғими остеоартритининг клиник фенотиплари ва даволашга ёндашувлар» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 октябрдаги 8н-з/581 – сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома натижалари остеоартритни эрта ташхислаш, даволаш ва клиник фенотипларни фарқлаш имконини берган;

остеоартритни метаболик синдром фонида кечиш хусусиятлари ва даволашга ёндашувлари натижалари асосида ишлаб чиқилган «Остеоартритни метаболик синдром фонида кечиш хусусиятлари ва даволашга ёндашувлари» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 октябрдаги 8н-з/581 – сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома метаболик синдром билан кечувчи остеоартрит билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари ва кечиш оқибатларини баҳолаш ва даволаш имконини берган;

остеоартрит билан касалланган беморларда метаболик ва иммунологик бузилишларнинг клиник хусусиятларини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига хусусан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси Республика ревматология маркази артрологик ИАДК бўлими амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хулосаси 2022 йил 16 декабрдаги №08-39983 – сонли хулосаси). Амалиётда олинган натижалар ОА клиник фенотипига қараб касалликни ташхиси ва профилактикасини яхшилашга, даволашда самарадорликка эришишга, беморнинг касалхонада ётишини 2 ётоқ қунига ва даволаш харажатларини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманлари да муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Остеоартрит билан касалланган беморларда метаболик ва иммунологик бузилишларнинг клиник хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича замонавий адабиётлар таҳлили, касалликнинг этиологияси, патогенези, клиник кўринишлари, ташхис тамойиллари, метаболик, иммунологик бузилишларнинг ОА патогенезидаги ўрни, унинг клиник фенотиплари ҳақида маълумотлар берилган. Алоҳида эътибор ОА клиник кечиши ва ривожланишида семизлик, адипоцитокинларнинг аҳамияти ёритилган ва муаммонинг долзарблиги асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Остеоартрит билан касалланган беморларда олиб борилган тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи келтирилган, шунингдек тадқиқотда қўлланиладиган клиник, лаборатор, иммунологик ва инструментал усуллар тавсифланган. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун 166 та ОА билан касалланган 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган беморлар (ўртача ёш $57,90 \pm 7,60$) олинган. Эркаклар 14,4% ва аёллар 85,6% ни ташкил этди. Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси Республика ревматология маркази артрологик ИАДК ва ревматология бўлимларида олиб борилган.

Бўғим синдроми беморларни сўраб-суриштириш, жароҳатланган бўғимларни кўздан кечириш, пайпаслаш, функционал синамалар ўтказиш ва ОАнинг клиник мезонлари (ACR 1991й.) асосида баҳоланди. Бўғимларда оғрик интенсивлиги ВАШ, мм бўйича аниқланди. WOMAC (Western Ontario and McMaster Universities osteoarthritis index) сўровномаси, HAQ (Health Assessment

Questionare) ҳаёт сифати функционал индекси, PHQ-9 депрессия шкалаларидан фойдаланилди, шунингдек бўғим функционал етишмовчилиги Steinbroser бўйича баҳоланди.

Метаболик синдром (IDF, NHLBI, АНА, WHF, IAS ва IASO 2009 йилги таснифи бўйича) 1 та асосий ва 2 та қўшимча мезонлар аниқланиши асосида қўйилди:

Антропометрик ўлчов натижаларига кўра тана вазни индекси (ТВИ) ҳамда танадаги ёғ тўқималарининг ҳажми ва массаси кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган: умумий ёғ тўқима ҳажми (УЁТХ), висцерал ёғ тўқима ҳажми (ВЁТХ), тери ости ёғ тўқима ҳажми (ТОЁТХ), ёғ тўқима массаси (ЁТМ) ва ёғ тўқимаси бўлмаган масса ЁТБМ.

Лаборатор текширувлардан умумий қон ва пешоб таҳлили, ўткир фаза синамалари (С-реактив оксил ва ревматоид омил) қон биокимёвий текширувлари (АСТ, АЛТ, билирубин, умумий оксил, сийдик кислотаси, мочевино, креатинин, кальций, витамин Д) ўтказилган. Ўткир фаза синамалари миқдорий усулда Humalyzer Primus ярим автоматда Human Medical Осие реактиви ёрдамида аниқланди. Лаборатор текширувлар ТГА қўп тармоқли клиникасининг лабораториясида ўтказилди.

Иммунологик тадқиқотлар Ўз.Рес.ФА инсон иммунологияси ва геномикаси институтида ўтказилди. Қон зардобидоги цитокинларни (ИЛ-1 β , ИЛ-6) ИФА усулида АО «ВЕКТОР БЕСТ» (Россия) тест тизими ёрдамида, шунингдек адипонектин ва лептинни (DVC-Canada) бириктирилган кўрсатмаларга мувофиқ аниқланди.

Инструментал текширув усулларида бўғимлар рентгенографияси ўтказилди ва Kellgren-Lowrens таснифи бўйича баҳоланди. Суяк минерал зичлигини (СМЗ) аниқлаш мақсадида денситометрия, бўғимларда нафақат суяк, балки унинг таркибий қисмларидаги ўзгаришларини аниқлаш мақсадида бўғимларнинг МРТ текшируви, ЭКГ ва ЭХОКГ ўтказилди.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда Pentium IV шахсий компютерида олиб борилган. Статистик аҳамиятини ўзгариши $p < 0.05$ ишончлилиқ миқдори ҳисобланди. Хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсон (r) жуфт корреляция коэффиценти ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Остеоартритли беморларнинг клиник-лаборатор ва инструментал хусусиятлари**» номли учинчи бобида ОАнинг клиник белгилари, оғриқнинг табиати, эрталабки қарахтлик, бўғим функционал қобилиятининг пасайиши, оғриқли нуқталар, крепитация, яллиғланиш белгилари, бўғимлардаги босим ҳисси, бўғимлар деформацияси, метаболик синдром мезонлари, касалликнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари, инструментал текширув натижалари келтирилган.

МС мавжудлигига қараб, ОА билан касалланган беморлар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳни метаболик синдромсиз 53 нафар беморлар, иккинчи гуруҳни метаболик синдроми билан 113 нафар бемор ташкил қилди.

Иккала гуруҳда ҳам ОА билан касалланган беморларнинг аксариятида касаллик давомийлиги 2 йилдан ортиқ бўлган. Бўғимларнинг зарарланишига

кўра асосан билатерал жароҳатланиш қайд этилди. Оғриқ механик ва бошланғич характерига эга. Иккала гуруҳ беморларида эрталабки карахтлиқ 30 дақиқагача давом этди, беморларнинг 1/3 қисмида бўғимларда шиш ва деформация кузатилди, крепитация МС бўлган ОАли беморларнинг 84% да аниқланди.

МС бўлган ОАли беморларда бел айланаси (БА), бўкса айланаси (БкА), ТВИ эркаклар ва аёлларда бир хилда юқорилиги қайд этилди. Лекин гуруҳлар ўртасида кўрсаткичларнинг ишончли даражада ўсиши фақат аёллар ўртасида ($p<0,01$), эркакларда эса фақатгина ТВИ бўйича кузатилди ($p<0,05$).

Семизлик даражаларига кўра ОА ли беморларнинг 56% да II-III даражали семизлик аниқланди. Семизликнинг типига кўра беморларда семизликнинг аралаш типини 65% кузатилди.

1-жадвал

ОА билан касалланган беморларда ёғ тўқимасининг ҳажми ва масса кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ	2-гуруҳ
УЁТХ, л	19,41±5,02	42,41±7,98*
ВЁТХ, л	0,84±0,65	3,96±0,68**
ТОЁТХ, л	18,57±4,5	38,46±7,49*
ЁТМ, кг	17,91±4,64	39,15±7,37*
ЁТБМ, кг	55,16±3,46	58,09±4,85

Изоҳ: ОА ни МС сиз ва МС билан таққосланганда фарқнинг ишончилиқ даражаси:

* - $p<0,05$, ** - $p<0,01$, *** - $p<0,001$.

МС билан касалланган беморлар гуруҳида тери ости ва висцерал ёғ тўқимасининг ҳажми ва массасининг барча кўрсаткичлари ошган ($p<0,05$) (1-жадвал). МС кузатилган беморларда умумий вазнининг ошиши, ёғ тўқимасининг массаси туфайли кузатилди. Маълумки, висцерал ёғнинг ортиқча тўпланиши, тана вазнидан қатъи назар, дислипидемияга, инсулинорезистентлиқга, артериал гипертензияга олиб келади ва ОА нинг жадал ривожланиши хавфини оширади.

ОА билан касалланган беморларнинг 71% да АГ, 51%да камқонлиқ, 46% пиелонефрит, 20% да 2 тип қандли диабет ва б.қ. учради.

Юқори АҚБ МС мезонларидан бири бўлганлиги сабабли систолик ва диастолик қон босимининг ўртача кўрсаткичлари кўриб чиқилди. МС билан кечган ОАли беморлар гуруҳида систолик ва диастолик АБ МС бўлмаган беморларга нисбатан ишончли даражада ошди ($p<0,05$). АҚБ бу ерда кўпроқ МС, пиелонефрит, 2-тип қандли диабет туфайли симптоматик генезга эга.

МС ни ОА нинг клиник кўрсаткичларига таъсирини ўрганиб чиқдик. Тизза бўғимларида оғриқ интенсивлиги, жисмоний функцияларни комплекс баҳолаш ВАШ, WOMAC сўровномаси орқали аниқланди. Функционал хаёт сифати индекси НАQ сўровномаси орқали, депрессия шкаласи РНQ-9 дан фойдаланган ҳолда аниқланди (2-жадвал).

Остеартрозда оғриқ ва жисмоний функцияларни баҳолаш

Кўрсаткичлар	1-гурух	2-гурух
ВАШ шкаласи бўйича оғриқ (мм)	45,0±3,54	67,0±3,54***
WOMAC оғриқ	10,12±1,24	13,88±1,26*
WOMAC карахтлиқ	5,4±0,98	6,88±0,90
WOMAC функционал етишмовчилиқ	45,75±2,28	56,4±2,69**
WOMAC суммар	68,61±4,03	83,63±3,51**
RHQ-9 депрессии шкаласи	7,0±1,36	12,0±1,55*
HAQ	1,6 ±0,21	2,1±0,12*

Изоҳ: ОА ни МС сиз ва МС билан таққосланганда фарқнинг ишончилиқ даражаси:
* - $p<0,05$, **- $p<0,01$, *** - $p<0,001$.

ВАШ кўрсаткичини қиёсий баҳолаганда МС билан касалланган ОАли беморларда, МС сиз бўлган беморларга кўра оғриқ синдромининг юқори даражада эканлиги аниқланди ($p<0,001$). WOMAC сўровномасига кўра, МС билан касалланган ОА беморларида оғриқлар интенсивлиги, карахтлиқ давомийлиги ва бўғимларнинг функционал етишмовчилиги юқорилиги кузатилди ($p<0,05$, $p<0,01$). МС бўлган беморлар гуруҳида HAQ функционал ҳаёт сифати индекси кўрсаткичи сезиларли даражада пасайганлиги аниқланди ($p<0,05$). Депрессия кўп ҳолларда "оғриқ-депрессия" патогенетик алоқасининг элементиدير. Депрессия ОА билан касалланган беморларда оғриқ хиссини бузади. Психо-эмоционал ҳолатни RHQ-9 шкаласи бўйича баҳолашда ОА нинг кечиш давомийлиги, семизлик даражаси, рентген босқичнинг юқори босқичига кўра оғриқ ва депрессия даражаси ортади.

Беморларда лаборатор ва инструментал текширув кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Агар биз бир хил беморларда ЭЧТ ($p<0,05$) ва С-реактив оқсил ($p<0,01$) нинг ижобий кўрсаткичларини жамлаб чиқсак, беморларнинг деярли 1/3 қисмида ўткир фаза синамалари кўрсаткичлари ошганлигини ва бу ишончли равишда МС бўлган беморларда кузатилди. Бу эса синовитга хос бўлган клиник маълумотларда (оғриқ, бўғимларнинг шиши) ўз тасдиғини топди.

МСнинг таркибий қисмларини баҳолаш учун липид ва углевод алмашинуви кўрсаткичлари ўрганилди (3-жадвал).

ОАли беморларда липид ва углевод алмашинувининг кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	1-гурух	2-гурух
Холестерин (ХС), ммоль/л	5,06±0,35	6,3±0,286***
ХС ПЗЛП, ммоль/л	3,72±0,203	4,16±0,122
ХС ЮЗЛП, ммоль/л	1,4±0,135	0,94±0,091**
Триглицеридлар (ТГ), ммоль/л	1,94±0,156	2,6±0,169**
Атерогенлик коэффиценти (АК)	3,6±0,431	5,7±0,201***
Оч қориндаги қанд миқдориининг бузилиши, ммоль/л	5,6±0,231	6,2±0,102**

Изоҳ: ОА МС сиз ва МС билан ОАни солиштирганда ишончилиқ фарқи: * - $p<0,05$, **- $p<0,01$, *** - $p<0,001$

Жадвалда ХС ПЗЛПдан ташқари МС сиз ОА бўлган беморларга нисбатан МС билан кечган беморларда барча кўрсаткичлар миқдори ишончли даражада юқори бўлган ($p < 0,01$, $p < 0,001$).

Суяк минерал зичлигини баҳолаш учун қондаги кальций ва витамин Д миқдори, ҳамда денситометрия усулидан фойдаланилди. Беморларнинг деярли ярмида қонда калций (46%) ва витамин Д (58%) миқдори меъеридан пастлиги кузатилди, денситометрия кўрсаткичларида эса 42% беморларда остеопения (30%) ва остеопороз (12%) белгилари аниқланди.

Беморларда зарарланган бўғимларни комплекс инструментал текширувлари ўтказилди.



1-расм. ОА нинг рентгенологик босқичлари

Рентгенологик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, МС сиз ОАли беморларда II R босқич, МС кузатилган беморларда III R босқич қайд этилди. МРТ текшируви бўйича ҳам рентген текширувининг натижалари тақрорланди.

ОА МС билан оғриган беморларда МРТ натижаларига кўра бўғимларнинг таркибий ўзгаришлари ОА МС бўлмаган беморларга нисбатан устунлик қилди. Кўпроқ ОА МСли беморларда остеофитлар, менисклардаги патологик ўзгаришлар, синовит белгилари ва Бейкер кисталари каби белгилар қайд этилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки МСнинг ОА даги бўғим синдромига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. МС нафақат бўғимларга механик юк, балки сурункали яллиғланиш ўчоғи сифатида салбий тизимли таъсир кўрсатади. МС билан оғриган беморлар гуруҳида ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги ҳаракат пайтида ва тинч ҳолатда ишончли ошди; липид ва углевод алмашинуви кўрсаткичлари ишончли баландлиги; ўткир фаза синама кўрсаткичлари (ЭЧТ, СРО) ошиши кузатилди. Шу сабабли МС касалликнинг ривожланишига салбий таъсирини кўрсатиши маълум бўлди. Олинган маълумотлар нафақат ОАнинг базис давосидан, балки бўғим синдромининг оғирлилик даражасини

камайтириш ва унинг даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида МС компонентларини коррекциялаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эганлиги асосланди.

Беморларни клиник, лаборатор кўрсаткичларда аниқланган ўзгаришларга қараб 6 та клиник фенотипга ажратдик. Фенотипни тўғри аниқлаш оптимал, дифференциал ва патогенетик даволаш стратегиясини тайинлаш имиконини беради. Шу билан бирга, турли хил фенотипларнинг асосий хусусиятлари айнан бир хил беморда бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

4-жадвал

ОАли беморларда фенотипларнинг учраш частотаси

Фенотип турлари	%	Таърифлар
Минимал бўғим касалликлари фенотиплари	49%	Касалликнинг давомийлиги узоқ бўлмаган (24 ойдан 48 ойгача), оғриқ даражаси паст ($ВАШ \leq 3/10$ бўйича), рентгенологик белгилар ўртача ($KL \leq II$ бўйича), клиник белгилар сезиларсиз ва касалликнинг секин ривожланиши кузатилган беморлар.
Сурункали оғриқ фенотипи	31%	Юқори даражадаги оғриқ. Кучли оғриқ бўлишига қарамасдан бўғимларда сезирарли дегенератив ўзгаришларсиз, депрессив ҳолатлар билан ва паст мушак кучига эга бўлган беморлар.
Биомеханик бузилишлар фенотипи	21%	Уш бу фенотип мушаклар кучи юқори, ТВИ даражаси паст бўлган фаол беморларда кузатилган. Уларда рентгенологик ўзгаришлар яққол намоён бўлишига қарамасдан, оғриқ суст даражада кузатилди.
Яллиғланиш фенотипи	34%	Беморларда синовит ва иммунологик бузилиш симптомлари кузатилган. Оғриқ юқори даражада ва рентгенологик зўриқиш жадал даражада ҳамда қонда адипоцитлар (лептин) ва цитокинлар (IL-1, IL-6 ва бошқ.) юқори концентрацияда бўлиши билан биргаликда бошқа яллиғланиш маркёрлари (ЭЧТ, СРО) кузатилган беморлар аниқланди.
Метаболик фенотип	87%	Ушбу фенотипда моддалар алмашинуви бузилиши ёки унинг таркибий қисмлари билан боғлиқ қандли диабет, семизлик, липид ва углевод алмашинувининг бузилиши билан оғриган беморлар тегишли бўлдилар. Ёғ тўқимаси ОА нинг зўриқишида ва ривожланишида асосий омил бўлган яллиғланиш олди цитокинларининг манбаи ҳисобланади. Шунингдек, семизлик бўғимларга механик зўриқишни келтириб чиқаради.
Суяк ва тоғай метаболизми ўзгариши фенотипи	8%	Суяк ва тоғай метаболизми бузилиши фенотипи калций, витамин Д, денситометрия ва МРТ маълумотларига асосланиб аниқланди.

Кўп ҳолларда метаболик фенотип (87%) ва минимал бўғим касаллиги фенотипи (49%) қайд этилди.


ОА билан касалланган беморларни профилактикаси, олиб бориш ва даволаш тактикаси аниқланган конкрет фенотипга боғлиқ бўлиши керак.

Диссертациянинг «ОА билан касалланган беморларда метаболик, клиник ва иммунологик бузилишларнинг ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида адипокинлар (адипонектин ва лептин) миқдори, яллиғланиш

олди цитокинларининг (ИЛ-1 β , ИЛ-6) ОА клиникасига таъсири натижалари тахлил қилинган.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг қон зардобидида ўртача адипонектин миқдори $24,7 \pm 1,5$ пг/мл ни ва лептин миқдори ўртача $21,7 \pm 2,9$ пг/мл ни ташкил этди.

МСсиз ОА ли беморларда адипонектин даражаси назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослаганда 1,6 марта камайганлиги ва ўртача $15,5 \pm 0,7$ пг/мл ни ($p < 0.01$) ташкил қилди (2-расм).




2-расм. ОАли беморларда адипонектин миқдори, пг/мл.

ОА МСли беморларда адипонектин даражаси 3,4 мартага камайганлиги кузатилди, ўртача $7,31 \pm 0,4$ пг/мл ($p < 0,001$) ташкил қилди.

Олинган натижалар адипонектин миқдори ва висцерал ёғ тўқималарининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Ушбу адипоцитокиннинг қон зардобидидаги концентрацияси ёғ тўқималарининг миқдори билан тескари пропорционал боғлиқ. Натижаларимиз адабиёт маълумотлари билан мос келади (Khoramipour K. et al., 2021).

ОА МСли беморларда лептин даражаси сезиларли даражада ошди, ўртача $29,7 \pm 1,1$ пг/мл ни ташкил этди, бу назорат қийматларидан 1,4 баравар юқори ($p < 0,01$) лигини кўрсатади (3-расм).



3-расм. ОАли беморларда лептин даражаси, пг / мл.


ОА МСсиз бўлган беморларда лептин даражаси назорат қийматлари доирасида бўлиб, ўртача $20,5 \pm 1,2$ пг/млни ташкил этди. ОА МС билан оғриган беморларда лептин миқдори ўртача ҳисобда $29,7 \pm 1,1$ пг/млни ташкил этиб, назорат гуруҳидан 1,4 марта исботли равишда ($p < 0,01$) ошган. Лептиннинг гиперэкспрессияси ОА да тоғайларнинг зарарланиш даражасининг ортиши билан корреляцияланади.

Шундай қилиб, семизликнинг ОА билан узвий боғлиқлиги бир қанча йўналишларда кўриб чиқилди. Биринчидан, ортикча тана вазни бўғимлардаги механик юкни ортиши ҳисобига бўғим биомеханикасини ўзгартиради. Бу эса босимга сезгир бўлган ва ҳужайрадан ташқари матрикс сигнали каскади билан боғланган хондроцитларнинг юзасида топилган механорецепторларга таъсир этади. Механорецепторлар ўз навбатида фаоллашиб тоғайнинг ҳужайрадан ташқари матриксига зарар етказувчи цитокинлар, матриксли металлопротеиназалар (ММП), простагландинлар ва азот оксиди синтезланишини таъминлайди.

Илмий тадқиқотимизда назорат гуруҳини ташкил этган амалий соғлом шахсларда ИЛ-1 β ва ИЛ-6 миқдорини таҳлил қилдик. ИЛ-1 β миқдори ўртача $21,2 \pm 0,8$ пг/млни, ИЛ-6 эса $4,5 \pm 0,3$ пг/мл ташкил этди.


Маълумки, ИЛ-6 организмнинг кўплаб органлари ва тизимларига: қон, жигар, иммун ва эндокрин тизимлар, моддалар алмашинувига таъсир қилувчи яллиғланишолди цитокинидир.

ИЛ-1 β ни миқдори ОА МС сиз беморларда, ўртача $28,4 \pm 1,3$ пг/мл ни ташкил қилиб назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан 1,35 баробар ортиши билан характерланади ($p < 0,05$), ОА МС ли беморларда эса бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 1,73 марта ошган ($36,2 \pm 1,9$ пг/мл), ($p < 0,01$). Шунини таъкидлаш лозимки, ОА МС фонида бўлган беморларда ИЛ-1 β МС сиз беморларга нисбатан ишончли ошди ($p < 0,05$) (4-расм).



4-расм. ОАли беморларда ИЛ-1 β миқдори, пг/мл.


МС - ОА нинг кечишига таъсир этувчи омилдир. Текширилган беморларнинг орасида ИЛ-6 даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, ОА ИЛ-6 даражасининг ошишига ёрдам беради, бу ўртача $11,2 \pm 0,7$ пг/мл ни ташкил этган, бу назорат гуруҳи қийматларидан 2,5 баравар юқори ($p < 0,01$). Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, МС билан касалланган ОАли беморларда ИЛ-6 даражаси ўртача $16,8 \pm 0,4$ пг/мл ни ташкил этган, бу назорат гуруҳи қийматларидан 3,7 баравар юқори ($p > 0,001$) (5-расм). Шунини таъкидлаш керакки, МС бўлган ОА беморлар гуруҳида ИЛ-6 синтези МС бўлмаган беморларга нисбатан 1,5 баравар юқори бўлиши кузатилди ($p < 0,01$).



5-расм. ОАли беморларда ИЛ-6 миқдори, пг/мл.

Биз цитокинлар ва касалликнинг давомийлиги, семизлик ва радиологик кўринишлар каби клиник аломатлар ўртасидаги узвий корреляцион боғлиқликни ўрганиб чиқдик. Адипонектин барча кўрсаткичлар билан тескари корреляцияга эга бўлди. Лептин ва ИЛ-6 барча кўрсаткичлар билан тўғри корреляцияга, ИЛ-1 β эса касаллик давомийлиги билан тескари, семизлик ва рентгенологик ўзгариш билан тўғри корреляцион боғлиқликга эга бўлди. Шундай қилиб, ОА турли хил этиологияли ва ўхшаш иммунологик ва клиник кўринишга, турли корреляцион боғлиқликга эга бўлган гетероген касаллик бўлиб, адипоцитокинлар ва яллигланиш олди цитокинлари иштирокида нафақат тоғай ва субхондрал суяклар зарарланиб, балки бўғимларнинг барча таркибий қисмларини жароҳатлайди. ОАли беморларда цитокинларнинг синтези эса ўз навбатида абдоминал семизлик билан узвий боғлиқ бўлиб, МС ОАда бўғинларнинг таркибий қисмларига, оғриқ синдромига, касалликнинг кечишига, рентген суратига ва функционал қобилиятига сезиларли даражада таъсир қилади.

ОАни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритми.



ХУЛОСАЛАР

1. Ёғ тўқималарининг хажм ва масса кўрсаткичлари, семизлик ва метаболик бузилишлар мавжудлиги, ОА билан оғриган беморларда метаболик синдромнинг юқори частотада учраши ($p < 0,01$) аниқланди.

2. ОА билан МС беморларда бўғимларнинг билатерал зарарланиши, сурункали оғриқ синдромининг интенсивлиги ва давомийлиги, функционал фаолликнинг пасайиши, ҳаёт сифати индекси кўрсаткичлари (ВАШ, WOMAC, НАQ) камайиши қайд этилди.

3. ОАда адипонектин ишлаб чиқаришининг етишмовчилиги (назорат гуруҳи қийматларидан 1,6 марта паст, $p < 0,01$) яллиғланиш маркёрларининг юқори даражаси билан биргаликда (ИЛ-1 β 1,35 марта, $p < 0,05$ ва ИЛ-6 2,5 марта, $p < 0,01$) бўғимларнинг функционал етишмовчилигини ривожланишига мойиллик туғдиради.

4. ОАда МС фонида лептин концентрациясининг ортиши ОА нинг прогрессирланиши билан ва яллиғланиш маркёрларининг ИЛ-1 β 1,73 марта ($p < 0,05$) ва ИЛ-6 3,7 марта ($p < 0,001$) ортиши билан боғлиқ.

5. Адипоцитокинлар (адипонектин, лептин) касалликни ташхислашда ва ривожланишини прагнозлашда биомаркер бўлиб ҳисобланади.

6. Кенг қамровли клиник, биохимик, иммунологик ва инструментал текширув натижалари асосида ОА билан оғриган беморларда ОА нинг олтита клиник фенотиплари аниқланди, қайсики, метаболик бузилишлар, оғриқ синдромининг хусусияти, синовит ва бўғимларда деструктив жараёнлар билан ажралиб туради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

РАМАЗАНОВА НИГОРА АСРОРОВНА

**КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ МЕТАБОЛИЧЕСКИХ И
ИММУНОЛОГИЧЕСКИХ НАРУШЕНИЙ У БОЛЬНЫХ
ОСТЕОАРТРИТОМ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1154.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Мирахмедова Хилола Тухтасиновна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Хамраев Абдор Асрарович
доктор медицинских наук, профессор

Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 год.
(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2023 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Остеоартрит (ОА) – многофакторное гетерогенное заболевание, ставшее одной из важных социальных проблем в связи с его распространенностью, прогрессирующим течением, ограничением движений, ранней инвалидизацией, снижением качества жизни больных. В последние годы заболеваемость ОА увеличивается в связи с увеличением продолжительности жизни населения и количества случаев ожирения. Это заболевание распространено у 12-14% населения в целом¹. К настоящему времени в этиологии ОА выявлено множество независимых факторов риска. Это свидетельствует о фенотипической дифференциации больных ОА. Ожирение было признано новой хронической «эпидемией» современности и считается основным фактором риска ОА. Жировая ткань является активным эндокринным органом, синтезирующим хондроциты, липиды и другие биологически активные молекулы, участвующие в ее метаболизме, а также противовоспалительные цитокины (адипоцитокينات, интерлейкины и др.). Сообщается, что избыточное количество жировой ткани приводит к дегенерации костно-хрящевой ткани, воспалительным процессам в суставах и развитию заболеваний. В связи с этим на основании изучения метаболических и иммунологических факторов развития и течения ОА необходимость предупреждения прогрессирования заболевания считается актуальной, научной проблемой медицины.

В мире проводится ряд научных исследований по изучению патогенеза, достижению эффективности ранней диагностики и лечения ОА. Выявляются метаболические нарушения, влияющие на течение заболевания, роль биомаркеров, клинические фенотипы, значение лабораторных и инструментальных методов в диагностике ОА. Изучаются характерные рентгенологические, МРТ, денситометрические показатели. Большое значение имеет оценка роли метаболического синдрома в патогенезе, диагностике, развитии клинической картины, профилактике прогрессирования и методов лечения ОА.

В нашей стране ведется большая работа по совершенствованию системы здравоохранения и социальной защиты населения, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов. Для улучшения медицинской помощи государством поставлены важные задачи, направленные на «...повышение качества специализированного медицинского обслуживания населения, внедрение современных методов профилактики, диагностики и лечения...»². Важность в выполнении этих условий имеет первостепенное значение.

¹ Aiyong Cui et al., 2020. Global, regional prevalence, incidence and risk factors of knee osteoarthritis in population-based studies EClinicalMedicine

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года №5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения».

